“INFOLIB O`ZBEKISTON” – МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги ПҚ-1729-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини тарғиб қилиш, фан ва таълимни ривожлантириш манфаатлари йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этиш, аҳолига, айниқса, ёшларга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтариш, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида бир қанча ижобий натижаларга эришди.

Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган нашрлар реставрацияси ва консервацияси мавзуига бағишланган семинар-тренинг иштирокчилари.

Миллий кутубхонада, мана икки йилдирки, Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилмоқда. Бу йилги “INFOLIB O`ZBEKISTON – 2013” 28 октябрь –1 ноябрь кунлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Ҳафталикни ташкил қилишдан асосий мақсад – аҳолини ахборот-кутубхона муассасаларига жалб қилиш, ёшларнинг мутолаага бўлган меҳрини ошириш, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, фойдаланувчиларни янги нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, ўқув ва бадиий адабиётлар билан яқиндан таништириш, кутубхонада кўрсатилаётган турли анъанавий ва интерфаол хизматлар ҳақида уларга маълумот бериш ҳамда кутубхонада яратилган имкониятларни тарғиб қилишдан иборатдир.

Тантанали очилиш. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов

Ҳафталик дастурида 1-кун – “Очиқ эшиклар куни”, 2-кун – “Қизиқарли учрашувлар куни”, 3-кун – “Ижодиёт куни”, 4-кун – “Танловлар куни”, 5-кун – “Мутахассис куни” деб номланди.

Очиқ эшиклар кунида фойдаланувчилар ва меҳмонлар учун кутубхона бўйлаб таништирув ва мавзули экскурсиялар, хафта давомида аъзо бўлганлар учун лотереялар, маданият марказларининг чиқишлари, китоблар ярмаркаси, турли кўргазмалар, хусусан, амалий санъат асарлари, расмлар ва китоблар кўргазмалари ташкил қилинди.

Биринчи кун тадбирларидан энг салмоқлиси “Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари: амалдаги қонунчилик ва

Миллий кутубхона лойиҳаларининг тақдимоти

уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика вилоятлари билан ўтказилган видеоконференция бўлди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, унда депутат Ҳ.Каримованинг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга жорий этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари", Ш.Атамуҳамедовнинг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш механизмларини такомиллаштириш", А.Ишматовнинг "Мажбурий нусхалар

Миллий кутубхона лойиҳаларининг тақдимоти

тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги", М.Бобожоновнинг "Китоб, электрон ресурслар ва муаллифлик ҳуқуқи" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Видеоконференцияда Республикамиздаги ахборот-кутубхона муассасалари, Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат архиви мутахассислари иштирок этиб, кутубхоначилик соҳасида олиб борилаётган ишлар, ечимини кутаётган вазифалар ва уларни бажаришда учрайдиган муаммолар ҳақида фикр алмашдилар.

Шу куни "Нодир ва алоҳида қимматга эга бўлган нашрлар реставрацияси ва консервацияси" мавзуига бағишланган семинар-тренинг ҳам ташкил қилинган бўлиб, уни АҚШнинг ЮТА университетидаги Мариотта кутубхонасининг фондларни сақлаш бўйича мутахассиси Рэнди Силверман олиб борди.

Тарихчи ва археолог академик Э.Ртвеладзе билан ўтказилган учрашув

Шуни таъкидлаш керакки, 3 кун давом этган бу ўқувда иштирокчиларга нодир ва ноёб нашрларни реставрация қилиш ишларини амалиётда кўрсатилди ҳамда қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Семинар-тренингни ташкил қилишда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси катта ёрдам берганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, мазкур элчихона билан ҳамкорликда "АҚШда таълим" мавзуида тақдимот ўтказилди. Тақдимотда АҚШда таълим тизими тўғрисида ва Штатлардаги айрим олий ўқув юртлари ҳақида қизиқарли ва керакли маълумотлар берилди.

Ҳафталик давомида санъат ва маданиятнинг кўплаб йўналишларини қамраб олувчи тадбирлар ўтказилиши режалаштирилганлиги сабабли ўзбек мумтоз ашулаларининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева билан ўтказилган ижодий учрашувда иштирок этмоқчи бўлганлар сони ташкилотчилар кутганидан икки ҳисса ортиб кетди. Тадбирда ўзбек миллий мусиқаси тарихи ва ҳозирги

Оригами бўйича маҳорат мактаби

Шахмат бўйича мусобақа

давр мусиқий йўналишлари ҳақида сўз кетди ҳамда хонанда ўз нуқтаи назарини тадбир иштирокчилари билан ўртоқлашди.

Ҳафталикнинг биринчи куни ёш дизайнерларнинг хонатласдан тайёрланган коллекцияси намойиши ҳамда республикамиздаги турли миллатлар маданият марказларининг чиқишлари билан якунланди.

Қизиқарли учрашувлар куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида амалиётга жорий қилинган ва яратилаётган янги дастурларнинг тақдимоти билан бошланди. Тадбирда "Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси", "Нодир нашр ва қўлёзмалар маълумотлар базасини яратиш, сақлаш ва тақдим қилиш жараёнини автоматлаштириш", "ISBN ва ISSN рақамлари бериш онлайн интерактив дастури", "КБК ва УЎК рақамлари бериш онлайн интерактив дастури", "Шахсий кабинет" ва "Ресурсларни ҳисобга олиш статистикаси" дастурлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Бунда дастурларни яратишда кутубхона билан ҳамкорлик қилган "BePro" дастурчилар марказининг мутахассислари иштирок этди.

Яратилган янги дастурлар ҳақида маълумот бериш ҳамда уларда ишлаш жараёнини кўрсатиш, масофадан туриб Миллий кутубхона фондларида мавжуд ресурслардан фойдаланишни тарғиб қилиш, қолаверса хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини жорий қилиш, фойдаланувчиларнинг, нашриёт ходимларининг вақтини тежаш ва уларга тезкор хизмат кўрсатиш имкониятларини намойиш қилди.

Тошкентдаги Москва Давлат университети филиали билан ҳамкорликда "Ўзаро алоқа алмашинувини ривожлантириш" мавзуида тренинг ташкил қилинган бўлиб, унда асосан ёшлар иштирок этди. Тадбирда назарий билимлар берилиши билан бирга иштирокчиларга ҳам якка, ҳам гуруҳларга бўлинган ҳолда турли-туман амалий топшириқлар берилди. Ушбу тадбир жуда жонли ва баҳс-мунозараларга бойлиги билан ажралиб турди.

Қизиқарли учрашувлар куни блоггерлар билан учрашув, фоторассом Козим Қурбоновнинг маҳорат мактаби, "Cinema service"студияси ташкил қилган ва Дилшод Дўстмуҳамедов томонидан бошқарилган компьютер анимацияси бўйича маҳорат мактаби кутубхонага ташриф буюрган меҳмонларда ўзгача таассурот қолдирди.

Кутубхонанинг биринчи қават фойесида Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев мўйқаламига мансуб расмлар кўргазмаси ташкил қилинди ва кўргазма ҳафта давомида намойиш этилди. Рассомнинг асарлари ўзининг миллийлиги, ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради. Кутубхона фойдаланувчилари ва меҳмонлар унинг "Созандалар", "Паркент аёллари" каби манзаралар, "Сурхондарё натюрморти", "Автопортретли натюрморт" каби асарлари билан танишдилар. Мусаввир ижод намуналарида миллий урф-одатлар мужассамлашган, табиат ва инсон уйғунлиги тараннум этилган. Кўргазма ва рассом билан давра-суҳбатида мухлислар унинг ижод йўли билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Бир вақтнинг ўзида кутубхонанинг Кўргазмалар залида "Звезда Востока" ва "Шарқ юлдузи" журналлари таҳририяти ва асарлари

"Адабиёт билимдони" танлови иштирокчилари

Ижодий учрашувлар пайтида

журнал саҳифаларида чоп этилган ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашув ўтказилди. Республикамизда 80 йилдан буён нашр этиб келинаётган давр ва вақт силсиласига дош берган ушбу журнал фаолиятига бағишланган тадбирни ташкил қилишдан асосий мақсад бугунги кун ўқувчиларини журнал саҳифаларида чоп этилаётган сара асарлар, ёш таржимонларнинг жаҳон классик адабиёти намуналаридан таржималари, назм ва насрда қалам тебратаётган ижодкорлар билан яқиндан таништириш эди. Тадбирда "Шарқ юлдузи" журналининг 1946 йилдан ҳозирги кунгача кутубхонада сақланиб келаётган нусхаларидан кўргазма ҳам намойиш қилинди.

Ва учинчи кунга эстрада хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Файз билан учрашув якун ясаб берди.

"Ижодиёт куни" болажонларга бағишланди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу кунда ёшлар ва болаларга рассомлик, кулолчилик ва театр санъатига бағишланган қатор маҳорат мактаблари уюштирилди. "Китоб ўқиш санъати" мавзуида тренинг, рассомлик, оригами, кулолчилик, қўғирчоқларни бошқариш санъати бўйича ташкил қилинган машғулотларда 6–12 ёшдаги болалар қатнашди. Бундай тадбирларни ташкил қилишдан асосий кўзланган мақсад 6–12 ёшдаги болаларни Миллий кутубхона билан яқиндан таништириш, уларни мамлакатимизнинг бош зиё масканига аъзоликка тайёрлаш эди (кутубхонага 14 ёшдан аъзо бўлиш мумкинлигини биласиз!).

Машҳур тарихчи ва археолог академик Э.Ртвеладзе билан ўтказилган учрашув "Дунёда археология ривожланиши тенденцияси" мавзуига бағишланган бўлиб, олимнинг илмий изланишлари маҳсули бўлмиш китобларидан иборат кўргазма ҳам ташкил қилинди. Учрашувда археология ва тарих йўналишлари бўйича таҳсил олаётган турли хил фикр ҳамда қарашларга эга бўлган олий ўқув юртлари талабаларининг олим билан эркин баҳс-мунозарага киришиши тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ҳафталикнинг учинчи кунига режиссёр Рихси Муҳаммаджонов билан ижодий учрашув ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури томонидан ташкил этилган "Болалар ҳақида суҳбатлашайлик" мавзуидаги давра суҳбати якун ясади.

Танловлар куни кутубхонамиз сайтида ҳафталик бошланишидан 20 кун аввал эълон қилинган "Китоб ила дунё очилур" шиори остида "Дил изҳорлари", "Адабиёт билимдони", "Мен китобни севаман" фототанлови, "Кутубхона ҳақидаги энг яхши шеър" ва "Кутубхона ҳақидаги энг яхши иншо" танловларининг якуни бўлиб ўтди.

Танловлар кутубхонамизнинг доимий ижодкор фойдаланувчилари ва меҳмонлар учун ўз ижодларини намойиш этишга имкон берди, деб ўйлайман. "Адабиёт билимдони"танловига шоиралар Умида Абдуазимова, Сайёра Бекмирзаева, филология фанлари номзоди Зуҳриддин Исомиддинов, шоир Шукур Қурбонлар хакамлик қилдилар. Танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент шаҳридаги 15-сонли спорт мактаби томонидан шахмат бўйича маҳорат

Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан ижодий учрашув

мактаби ташкил этилиб, сўнгида ёш шахматчилар ўртасида мусобақа уюштирилди.

Кутубхонанинг мажлислар залида Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан ташкил қилинган ижодий учрашув ўта самимий ва кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирда турли тоифадаги меҳмонлар иштирок этдилар, лекин ёшларнинг Фаррух Зокиров ижодига қизиқиши баландлиги уларнинг санъаткор билан эркин суҳбатида яққол кўринди.

Мутахассислар куни ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун ташкил қилинган ўқув семинарида "Нашрларни ҳисобдан чиқариш йўриқномаси"ни ишлаб чиқиш жараёнлари, нашрларни масофадан электрон етказиб беришдаги айрим қийинчиликлар, Миллий кутубхонада мавжуд онлайн-ресурслар, давлат библиографияси ва уни юритишдаги муаммолар ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга кўплаб мутахассисларнинг талабларига кўра Миллий кутубхона лойиҳаларининг тақдимоти яна намойиш қилинди. Республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган кутубхоначилар учун Миллий кутубхона томонидан тайёрланган ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятига бағишланган плакатлар тақдим этилди.

Ҳафталикнинг охирги тадбири - "Байрам" эстрада гуруҳи билан ижодий учрашув бўлди.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги давомида кутубхонамизга 25 029 меҳмон ташриф буюрди. Беш кун ичида 744 киши кутубхонага аъзо бўлди, 38 та экскурсия уюштирилди ва уларда 1 025 киши қатнашди. Ҳафта давомида 46 та турли оммавий тадбирлар: семинарлар, давра-суҳбатлари, ижодий-учрашувлар, маҳорат-мактаблари, кўргазмалар (китоблар кўргазмаси, амалий-санъат асарлари кўргазмаси, расмлар кўргазмаси кабилар), спектакл намойишлари, китоблар ярмаркаси, тренинглар, экскурсиялар, танловлар, лотереялар ўтказилди.

Ҳафталикни ташкил қилиш ва ўтказишда ҳамкорлик қилган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси,

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг ёпилиши

Ўзбекистон Қуролли кучлари академияси, Ўзинфоком, Ўзбек–япон инсон ресурсларини ривожлантириш маркази, Москва Давлат университети филиали, GRANART-маркази, Республика қўғирчоқ театри, Республика байналминал маданият маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, 15-сон шахмат мактаби, "Звезда Востока" ва "Шарқ юлдузи" журналлари таҳририяти, Ўзбекистон амалий санъат музейи, BePro – дастурчилар маркази, "Cinema service" студиясига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ва алоҳида ташаккуримизни Республика илмий-педагогика кутубхонаси жамоаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, "Турон" ахборот-кутубхона маркази, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Республика Ахборот-кутубхона маркази ва Чилонзор туманидаги 188-мактаб жамоаларига изҳор қиламиз.

Ҳафталикда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига қарашли, турли вилоятлардан ташриф буюрган ахборот-ресурс маркази мутахассислари фаол қатнашиб, 2014 йилдаги Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини фақатгина Миллий кутубхонада эмас, балки мамлакатимиз бўйлаб кенг ўтказиш нияти пайдо бўлганини билдириб тарқалишди. "Яхши ният – ярим давлат" дейди доно халқимиз, ажаб эмас.

Умида Тешабаева
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директор ўринбосари